

Давлат дастурида қандай асосий чоралар кўзда тутиляпти?

2-бет



Ҳаққини сўраганнинг ҳалқумидан олиш керакми?

4-5 бетлар



Мурожаатлар вақтида бажарилмагани учун "Халқ қабулхонаси" аралашди

6-бет



Ҳарбий хизматга чақирувда қандай ўзгаришлар бўлди?

7-бет



# ИНСОН ва ҚОНУН

10 март 2020 йил / № 09 (1213)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

## Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**ХОТИН-ҚИЗЛАР** ҳуқуқлари масаласи инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми, цивилизациянинг энг муҳим ютуқларидан биридир.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларининг тан олинishi учун халқаро миқёсдаги ҳаракатлар тарихида муҳим босқич Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги йилларда бошланди. 1945 йил июнь ойида уруш якуни топгач, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида инсон ҳуқуқлари хартияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг иккинчи моддасида Декларацияда баён қилинган ҳуқуқ ва эркинликларга ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, эътиқоди, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулк, табақа ёки бошқа мансубиятидан қатъи назар, барча инсонлар тенг равишда эгаллиги қайд этилган бўлиб, у ҳозирда миллий ва халқаро антидискриминацион қонунчиликка асос саналади.



►6-бет

**МЕҲРИНОСО** Мамадиеванинг хонадони 2014 йилда электр тармоқлари корхонаси томонидан кўриқдан ўтказилган. Ушанда фуқарога электр энергиясидан шартномасиз фойдаланганлиги учун далолатнома тузилиб, жарима ёзилган. Фуқаро асоссиз ҳисобланган 3 миллион сўм жаримани бекор қилишни сўраб адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Ачинарлиси, кам таъминланганлар рўйхатида турган, 2 нафар ёш боласи бор, турмуш ўртоғи ногирон, коммунал тўловларни моддий ёрдам ҳисобига тўлаб келаётган бир ночор оилага 6 йил давомида ушбу далолатнома асос қилиб келинган. Жиззах шаҳар ЭТК томонидан "компьютерда актларингиз бор" важи билан доимий равишда ҳар 3-4 ойда мазкур хонадон электр тармоғидан узиб келинган. Ушбу даврда фуқаронинг илтимоси, оворагарчилиги билан бир амаллаб чироқ ёқтирилган. Жараён яна қайта такрорланаверган.

## МЕҲРИНОСОНИНГ ХОНАДОНИ электр тармоғидан нега узилди?

Фуқаронинг шунча йил давомида давлат органларига қилган мурожаатлари атрофлича ўрганилмаган ёки қонуний ҳал этилмаган.

Ўрганиш натижасида 2018 йил 12 январга қадар амалда бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг талаблари бузилиб далолатнома тузилгани, кўрсатилган суммани мажбурий тартибда ундириш тўғрисида судга даъво аризаси бериш тартибига амал қилинмагани исботланиб, идоранинг вилоят ташкилоти "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖга тақдимнома киритилди.

Тақдимномага асосан, 2014 йил 20 апрель куни тузилган далолат-



нома "Электр-ҳисоб" дастурида бекор қилинди, асоссиз тўлов олиб ташланиб, бир оиланинг узоқ йиллик муаммоси бартараф қилинди, масъуллар огоҳлантирилди.

**Баҳром БОЗОРОВ,**  
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

## Ҳокимлик изоҳи: Арзон уй-жой олиш тартиби қандай?



**ЧУСТЛИК** М.Раҳимова тахририятимиздан янги уйлاردан олишда амалий ёрдам сўради. Тахририят томонидан унинг мурожаати ўрганилиб, Наманган вилоят ҳокимлигига юборилган эди.

Мурожаат Чуст туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан жойида ўрганилди. Ўрганиш жараёнида, фуқарога 2017-2021 йиллар ҳисобига қурилаётган намунали 2, 3 хонали хонадонлардан бирини олиш учун М.Раҳимова ўзи яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинидан уй-жойи йўқлиги тўғрисидаги асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма тавсия олиш учун мурожаат этиши лозимлиги тушунтирилди.

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ вилоят филиали ҳамда хизмат қилувчи банк томонидан уй олувчининг тўлов қобилияти аниқланиб, хулоса берилгандан кейин буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ вилоят филиали билан фуқаро М.Раҳимова ўртасида шартнома тузилиб, бошланғич бадал тўловлари тўлангандан кейин уй-жой олувчи "талабгор" сифатида рўйхатга олинishi мумкинлиги ҳақида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

**Б.НУРМАТОВ,**  
Наманган вилоят ҳокими ўринбосари

**hudud24**  
Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Тахлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини ўзингиз кутган сайтда кузатинг

@hudud24official



# ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ҚАНДАЙ АСОСИЙ ЧОРАЛАР КЎЗДА ТУТИЛАЯПТИ?

**П**РЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Хужжат 284 та банддан иборат, уни амалга ошириш учун 18 171,4 миллиард сўм ва 10 301,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблаг сарфланиши кўзда тутилмоқда. Шундан:

- давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари — 12 883,7 миллиард сўми;
- ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари — 1 426,5 миллиард сўми;
- тижорат банкларининг кредитлари — 561,2 миллиард сўми;
- халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва бегараз ёрдамлар — 3 300,0 миллиард сўм ва 10 301,5 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

## ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- ✓ 1-йўналиши — Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида 38 та;
- ✓ 2-йўналиши — Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида 22 та;
- ✓ 3-йўналиши — Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида 96 та;
- ✓ 4-йўналиши — Ижтимоий ривожланиш соҳасида 84 та;
- ✓ 5-йўналиши — Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий таққи сибатни амалга ошириш соҳасида 44 та чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

## 1-ЙЎНАЛИШДАГИ МУҲИМ ЧОРАЛАР

• Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятида фуқароларнинг интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобил иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизими жорий этилади;

• Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий этилади ҳамда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг фаолиятини “намунали Кенгаш” сифатида йўлга қўйиш чоралари кўрилади;

• Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Се-

нат кенгаши ва кўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади;

• “Mening fikrim” веб-порталининг мобил иловаси ишга туширилади, унга келиб тушаётган мурожаатлар депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик иштирокида ОАВлар орқали муҳокама қилиб борилади.

## 2-ЙЎНАЛИШНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

• Суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби белгиланади;

• 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан бўён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳнома-си асосида доимий истиқомат қилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деб тан олинади;

• одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислох қилиниб, назорат тартибида иш юришти институти бекор қилинади;

• тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинади;

• боғжона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрли равишда тўлаган ва боғжона расмийлаштирувини амалга оширган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинади;

• маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади;

• ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан МЖТҚда назарда тутилган жаримани суд ва ваколатли идораларда иш қўрилганга қадар ихтиёрли тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилади;

• “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири, шунингдек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солуви ҳамда Жиноят ва Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга фуқаро-

лар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини қўқайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади;

• Ўзбекистон фуқароларига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк харид қилишда ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмайди;

• Ўзбекистонда доимий истиқомат қилувчи ва бошқа ҳудудларда доимий пропискага эга бўлган фуқаролар томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларида кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинади.

## 3-ЙЎНАЛИШНИНГ АСОСИЙ ТАДБИРЛАРИ

• Пахта хомашёси ишлаб чиқариш, мажбурий сотиш режаси ҳамда доимий давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинади, шунингдек, давлатга мажбурий галла сотиш ҳажми 25 фоизга камайтирилади;

• лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки бараварга қисқартирилади;

• давлат улуғшига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича “йўл харита”ларини амалга оширишга киришилади, шу жумладан, замонавий чакана банк хизматлари турлари кўпайтирилади;

• экспортни олдидан молиялаштиришга қаратилган Экспорт-кредит агентлиги ташкил қилинади;

• “Э-омбор” товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизими ишлаб чиқилад, амалиётга жорий этилади;

• маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилади, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилади;

• камида 800 мингга кенг посылалар интернет портлари яратилиб, 12 минг км. оптик толали алоқа линиялари ётказилади;

• “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги, “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳалари, Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоғлигини ошириш стратегиялари, Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув ҳўжалигини ривожлантириш

концепциялари, Қишлоқ ҳўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади;

• бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизими ишга тушади;

• янги кичик саноат зоналари яратилади, уларни бошқариш дирекцияларига зарур инфратузилмаларни ётказиб бериш учун Давлат бюджети маблағларидан 100 миллиард сўм ажратилади;

• ҳар бир туманда деҳқончилик билан шугулланиш истагини билдирган талабдорларга қишлоқ ҳўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерлар тақсимлаб берилади ва улар кооперацияларга бириктирилади;

• “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури лойиҳаси ишлаб чиқилади.

## 4-ЙЎНАЛИШДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

• Ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларини тадбиркорлик ва касбга ўқитиш мақсадида 30 та коллеж базасида ҳамда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилади;

• мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар бўйича касбга ўргатиш курслари фаолияти йўлга қўйилади;

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИДА:

• аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

• банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш назарда тутилади;

• 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 60 фоизга ётказилади;

• олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини икки бараварга қисқартирилади;

• ОТМларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилади;

• математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилади, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилади;

• давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга оширилади.

• ОТМлар талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт мартаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилади;

• Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик ва педагогика университетларида тажриба тарихида босқичма-босқич ма-софавий ўқитиш шакли жорий этилади;

• Пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилади;

• “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими” аппарат-дастурий комплекси жорий этилади.

## 5-ЙЎНАЛИШДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

• 2020–2023 йилларга мўлжалланган Киберхавфсизликка доир миллий стратегия ҳамда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади;

• Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси тасдиқланади.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯДА:

• Марказий Осиё мамлакатлари билан минтақавий ҳамкорлик доирасида комбинациялаштирилган туризмни “битта тур — кўп мамлакатлар” тамойили асосида ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва сайёҳлик салоҳиятини фаол равишда тарғиб қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

• БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021–2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш бўйича амалий чора-тадбирлар жадваллаштирилади;

• Марказий Осиё бўйича Европа Иттифоқининг янгиланган Стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистоннинг фаол иштирокини таъминлаш чоралари кўрилади;

• Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, БМТ ва унинг муассасалари, етакчи халқаро институтлар ва молия тузилмалари, шунингдек, минтақавий бирлашмалар билан узоқ муддатли шерикликни чуқурлаштириш чоралари кўрилади;

• Олий Мажлис палаталари ва Адлия вазирлиги томонидан БМТ ҳамда унинг Тараққиёт дастури ваколатхоналари билан ҳамкорликда парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув маркази ташкил этилади.

“Тараққиёт стратегияси” маркази Ахборот хизмати

МОНИТОРИНГ НАТИЖАСИ:

**Жамоат ишларида ишлайдиганларга нега ҳақ тўланмади?**

ҚАМАШИ туман адлия бўлими томонидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурдаги жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори талабларига риоя этилиши аҳволи бўйича мониторинг ўтказилди.

Натижада, 2020 йил 30 январь кунига қадар ҳақ тўланган жамоат ишларида ишлаган 37 нафар фуқарога 2020 йил январь ойида бажарилган жамоат ишлари учун жами 20 277 300 сўм тўланмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдимнома киритилиб, 37 нафар фуқарога 20 277 300 сўм пул маблағлари марказ томонидан тўлаб берилди.

**Шухрат ҚАҲҲАРОВ,**  
Қамаши туман адлия бўлими бошлиғи

**Фуқаролардан маълумотнома талаб қилаётган давлат органлари ҳали ҳам бор**

БУНДАН бир йил олдин 2019 йил 15 февраль санасида “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” Президент Қарори қабул қилинган эди. Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга кўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши тақиқланган эди.

Аммо фуқароларга қулайликлар яратиш, қоғозбозликка чек қўйиш мақсадида қабул қилинган қарорни четлаб, ҳали ҳам аҳолини турли идоралар эшигига боришга мажбур қилаётган давлат ташкилотлари йўқ эмас. Давлат хизматлари Агентлиги Наманган вилоят бошқармаси томонидан олиб борилган ўрганишлар на-

тижасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномани олиш юзасидан мурожаат қилган фуқароларнинг 147 нафари давлат нотариал идораларига кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш учун, 58 нафар фуқаролардан кўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдидан тайёрлаш учун талаб этилганлигини, шунингдек, судланган ёки судланмаганлик тўғрисидаги маълумотнома олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг 130 нафаридан тижорат банклари ва бошқа давлат органларига ишга кириш давомида маълумотнома сўралганлиги аниқланди. Бошқарма томонидан ортиқча ҳужжат талаб қилинаётган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, фуқароларни сарсон қилиб, уларни ортиқча вақт сарф этишига сабабчи бўлаётган давлат органлари ва бошқа ташкилот ходимларига 15 та тақдимнома ва 60 та огоҳнома киритилди. Шунингдек, 5 нафар масъул шахсга нисбатан “Маъмирий ҳуқуқбузарлик баённомалари” расмийлаштирилди.

Ортиқча ҳужжат талаб қилиш соҳаларнинг тараққий этишига ҳам тўсқинлик қилади. Масалан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқародан турли ҳужжатларни талаб қилиб отангга бор, онангга бор қабилида иш тutilса, унинг мазкур соҳага бўлган иштиёқи марказнинг ўзида сўна бошлайди. Аксинча, унга рўйхатдан ўтиш анча соддалашиб, бу жараёнга бор-йўғи 30 дақиқа вақт кифоя эканини, шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир неча банклардан ҳисоб рақам очиб имкони мавжудлиги, бундай ишларни эндиликда марказ орқали амалга ошириш мумкинлиги ҳақида тушунча берсангиз, соҳага бўлган иштиёқи икки ҳиссага ортади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Норинлик ёш тадбиркор ўз фаолиятини бош-



лаганига қарийб 8 йил бўлди. У биринчи бор тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган кун билан ҳозирги яратилган шароитларни таққослади. Унинг айтишича, бугунги кундаги имкониятлар аввал бўлганида, ишсизлар бўлмаган да тадбиркорлик соҳаси бундан тараққий этган бўларди.

**Илҳомжон АБДУСАТТОРОВ,**  
Давлат хизматлари Агентлиги Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи

**Маъмурият “ташаббус”и чиппакка чиқди**

ЎЗБЕКИСТОН Ёшлар иттифоқи Бухоро вилоят Кенгашида референт лавозимда ишлаб келган Моҳинур Раҳматова ишдан ноқонуний бўшатирилганлигидан норози бўлди.

М.Раҳматова ҳақиқатан ҳам 2017 йил 27 мартдан буён Ёшлар иттифоқи Бухоро вилоят Кенгашида референт вазифасида ишлаган. Бироқ маъмурият ташаббуси билан ўтган йилнинг август ойида аризасига асосан ишдан бўшатишни сўраган. Бироқ қисқа муддатда ишхонага бориб, аризасини қайтариб беришни билдирган. (Чунки ишдан бўшатиш ҳақидаги ариза ёзилгач ходим уни 2 ҳафталик муддатда қайтариб олиш ҳуқуқига ҳам эга). Шунга қарамай, ходим

ноқонуний тарзда ишдан бўшатирилган.

Мазкур ҳолат Моҳинур адлия бўлимига мурожаат қилгач аниқланди. Адлия бўлими томонидан тақдимнома киритилиб, Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгашининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги фармойиши бекор қилиниб, М.Раҳматованинг аризасига биноан референт лавозимига ишга қабул қилиш бўйича янги фармойиш чиқарилиб, мурожаат муаллифининг ҳуқуқлари тикланди. Маъмурият “ташаббус”и эса чиппакка чиқди.

**Абдурахимхўжа БАФАЕВ,**  
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

**САЙЁР ҚАБУЛ САМАРАЛИ БЎЛДИ**

Сирдарё туманида вилоят адлия бошқармаси раҳбариятининг сайёр қабули ўтказилди.

— Сайёр қабулда юздан зиёд фуқаролар иштирок этди. 30 та оғзаки мурожаат қабул қилинди. Мурожаатлар мазмунини кўча таъмири, газ босимининг пастлиги, чироқ ўчиши, ипотека кредити, моддий ёрдам ҳамда ногиронлик аравачаси олиш, ишга киришда кўмак бериш тўғрисида бўлди. Ушбу мурожаатлардан қарийб 50 фоизи тегишли ташкилотлар масъул раҳбар ва ходимлари иштирокида жойида қаноатлантирилди. Қолган мурожаатлар назорат остига олинди, — дейди туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси Камолитдин Эрназаров.

Масалан, “Адолат” МФЙ фуқароси 29 ёшли Юлдуз Хайдарова анчадан буён иш излаб юрган эди. Оилавий шароити туфайли Янгиер тиббиёт коллежини битира олмаган Юлдуз иш топишдан умид узганди ҳам.

— Сайёр қабул доирасида Бандлик ярмаркаси ўтказилишини эшитиб, бу ерга келган эдим. Маҳалла фуқаролар йиғини қошида ҳақ тўланадиган жамоатчи ишчи сифатида ишга қабул қилиндим, — дея хурсандчилигини изҳор этди Ю.Хайдарова.

“Адолат” маҳалласи, Тановар кўчасида яшовчи Ли Светлана қайнонаси Е.Ли учун ногиронлик аравачаси сўраб мурожаат қилди. Унинг мурожаати туман тиббиёт бирлашмаси билан биргаликда жойида ҳал этилди.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг ота-оналари мактабда тез-тез чироқ ўчиб туриши, бўлганда ҳам фазаси пастлиги туфайли болалар замонавий технологиялардан фойдалана олмаётганлигидан шикоят қилишди. Туман электр таъминоти корхонаси билан телефон орқали боғланиб, ушбу муаммо ҳам шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Айтиш жоизки, қабулга келган мурожаатчилар “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган хайрия фондининг Сирдарё вилоят бўлими томонидан ташкил этилган кўчма диагностика хонасида кўзларини текширтди. Шифокор ёзиб берган рецетп асосида фонда Жанубий Корея Республикаси томонидан тақдим этилган сифатли кўзойнақлар бепул тақдим этилди.

**Зебо ХАЙДАРОВА,**  
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

**“Туямўйин — Урганч” ДУК 103 нафар ишчисига ойлик тўламади**

УРГАНЧ шаҳар адлия бўлими “Туямўйин — Урганч” минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси ДУК Урганч шаҳар бўлимида сайёр қабул ўтказди. Унда 103 нафар ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақлари тўланмаганлиги аниқланди. Фуқароларнинг амалий ёрдам беришни сўраб қилган оғзаки мурожаатларини ўрганиб, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига ушбу ишчи-хизматчиларга ҳисобланган, лекин тўланмаган жами 309.000.000 сўм ойлик иш ҳақини “Туямўйин — Урганч” минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси ДУКдан ундириш тўғрисида ариза

киритилди. Суд буйруғи билан барча иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилиб, “Туямўйин — Урганч” минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси ДУК директори номига тақдимнома киритилди.

Шу билан бирга Урганч шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Хоразм Камол савдо” хусусий корхонаси раҳбари Д.Камоловнинг хусусий корхонага тегишли, 2017 йилда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан шаҳардаги Зарафшон (М.Худайберганов) нотурар бисноси бузилганлиги, ҳокимлик то-

монидан эса тузилган келишув шартномасидаги 386.801.000 сўм компенсация пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Мурожаатга асосан, етказилган зарарни ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва тадбиркор Д.Камоловнинг фойдасига жавобгар Урганч шаҳар ҳокимлигидан 386.801.000 сўм компенсация пулларини тўлаб бериш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Оллоберган ЮСУПОВ,**  
Урганч шаҳар адлия бўлими бошлиғи



## ВАСИЯТНОМА РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ПАСПОРТИМ БЎЛИШИ ШАРТМИ?



— **ЁШИМ** өтмишида. Яқинда нотариал идорага ўзимга тегишли бўлган мулкларимни ўғлимга васият қилиб қолдириш учун борганимда, нотариус менга паспортингиз ёки шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз йўқ, деб васиятномамни расмийлаштириб бермади.

Паспортимнинг йўқлиги васиятномани расмийлаштирамаслик учун асос бўладими?

А.СОБИРОВ

— “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасида “Нотариуслар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишиларнинг шахсини аниқлайди. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишининг шахси унинг шахсига нисбатан ҳар қандай шубҳаларни истисно этидиган паспорти ёки бошқа ҳужжатларига асосан аниқланиши керак”, деб кўрсатилган.

Саволга Бухоро шаҳар 8-сон давлат нотариал идораси нотариуси Баҳодир АШУРОВ жавоб берди.



### МАҚОЛАМИЗНИ ривоятдан бошлашни лозим топдик.

Қадимда бир ҳукмдор ўз наварларни билан кўчада сайр қилиб юрган чоғида йўл чеккасида ёнғоқ кўчатини ўтказибётган, анча кексайиб қолган чолни кўриб, ундан сўрабди:

— Отаҳон ёшингиз нечида?

— 94 ёшда, — жавоб берибди чол.

— Ёшингиз бир жойга бориб қолган экан, бу дарахтларни экиб нима қиласиз, азият чекиб, сизга мевасидан ейиш насиб этадими, йўқми, Худо билади, — дедди.

Шунда чол:

— Ҳукмдорим! Мевасини мен емасам, фарзандларим, набираларим, қолаверса, шу ердан ўтган-кетганлар өйди, — деб жавоб берибди.

Ҳукмдор ўз наварига отахонга бир ҳамён тилла совға қилишни буюрибди.

— Подшоҳим, ташаккур, мана эккан дарахтим мева берди, — дея шуқрона келтирибди отахон.

Шунда ҳукмдор чолга яна бир ҳамён тилла совға қилишни буюрибди.

Отахон хурсанд бўлиб, шохим, мана эккан дарахтим икки марта ҳосил берди, деган экан.

# ҲАҚҚИНИ СЎРАГАННИНГ



Депутат қандай фикрда?

Салим отанинг муаммоси...

Аммо тахририятимизга келган мана бу мактуб ривоят эмас, ҳаётиимиздаги ҳақиқий ҳолат ҳақида, яъни бугунги кунда турли қурилишлар баҳонасида дарахтларнинг умрига зомин бўлаётгани етмаётгандек, ёши бир жойга бориб қолган отахоннинг умид билан меҳнат қилиб экиб, йиллар давомида парвариш қилган, улар ҳосилга кирганда салкам 300 та дарахтни кесиб, ўрнига “дом”лар қурган, энг ачинарлиси, отахоннинг юрагини юлгандек дарахтларидан айириб, уларнинг товонини тўлашга келганда нотантилик қилаётган айрим замондошларимиз тўғрисида.

### САЛИМ ОТАНИ САРСОН ҚИЛГАНЛАР КИМЛАР?

Навоийлик Салим Ҳазратовнинг тахририятимизга йўллаган хати мана шундай бошланади:

“Ассалому алайкум, ҳурматли “Инсон ва қонун” газетаси Бош муҳаррири! Мен ўзим яшаётган “Ишонч” маҳалласи ҳудудида ташландиқ ерни обод қилиш мақсадида “Сифат” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан 2007 йил 25 декабрда имзоланган шартномага асосан умумий ер майдони 1950 метр квадрат ер участкасини ободонлаштириш ва боғ барпо қилиш учун 20 йил муддатга ижарага олгандим. Бундан шаҳар ҳокимлиги масъуллари ҳам яхши хабардор эди. Ҳокимлик мансабдорлари менга ободонлаштириш ва дарахт экишимга рухсат берганидан кейин ўша ерни фарзандларим билан обод қилиб, тошлардан тозалаб, дарахт экиб боғ қилишга киришдим, сув тортиб келиш, ерни кўкаламзорлашти-

риш ва ниҳол экиш билан боғлиқ ишларга умумий қиймати ўн миллион сўм маблағ сарфладим, 298 туп олма, олча, шафтоли, гилос, ўрик дарахти кўчатлари экиб, парвариш қилдим. Дарахтларим энди ҳосилга кирганда, Навоий шаҳар ҳокимининг 2012 йил 22 ноябрдаги қарори билан менинг боғим ўрнида тадбиркор Амриддин Маҳмудов раҳбарлик қилаётган “Қизилтепа Бетон Қурилиш Монтаж сервис” масъулияти чекланган жамиятига кўп қаватли тураржой биноси қуришга рухсат берибди. Натжидада, дарахтларим аёвсиз кесиб ташланди. Ўшанда қурувчи менга қилган меҳнатим ва дарахтларим учун компенсация тарзида янги уйдан квартира ажратишни ваъда қилди. Аммо аризмаган чой-чақа бериб, орадан йиллар ўтгач, квартира уёқда турсин, дарахтларим ва меҳнатим учун қарздор эканлигини ҳам ёддан чиқарди.

Адолат излаб бормаган жойим қолмади. Маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарларидан тортиб, республика раҳбарларигача бир неча марта мурожаат қилдим, фойдаси бўлмади. Сажик йилдан буён сарсон-саргардонман. Навоий шаҳар адлия бўлимига қилган мурожаатимдан кейин хайриятки мазкур иш фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судида кўриб чиқилди. Аммо суд... судлар ҳам... Сўнгги умидим сизлардан!”

### СУД КИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ?

Навоий шаҳар адлия бўлимининг фуқаро Салим Ҳазратовнинг манфаатларини қўзлаб қиритган жавобгарлар Навоий шаҳар ҳокимлиги ва “Қизилтепа Бетон Қурилиш Монтаж Сервис”

масъулияти чекланган жамиятига нисбатан “Ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарни ундириш тўғрисида”ги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди (судья Ш.Очилов)да кўриб чиқилди.

Судда Навоий вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2018 йил 18 июлдаги хатига мувофиқ ўртача диаметри 18 сантиметр бўлган 298 туп дарахтнинг қиймати 65 миллион 905 минг 680 сўмни ташкил қилишини, “Қизилтепа Бетон Қурилиш Монтаж Сервис” МЧЖдан 65.905.680 сўм маънавий зарар қоплаб берилиши зарурлигини маълум қилиб, судда даъвогар С.Ҳазратовнинг фойдасига ҳисобланган маблағни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида сўзга чиққанларнинг аксарияти тадбиркордан Салим отанинг фойдасига етказилган зарарни тўлаб беришни сўраган бўлишига қарамасдан, Навоий шаҳар ҳокимлиги вакили Ш.Тўраев даъвошни тан олмасдан, низоли ер участкаси шаҳар ҳокимлигининг заҳира ер майдони ҳисобланиб, аҳолига кўп хонали уй-жойлар қуриш учун шаҳар ҳокимининг қарорига асосан юқорида номи қайд этилган МЧЖга ажратилганлигини маълум қилиб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўраган.

Қизиқ, унда нега Навоий шаҳар ҳокимлигининг 2006 йил 4 декабрда С.Ҳазратовга шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари имзоси билан берилган хатида мавжуд ер майдонидан ширкат ҳўжалиги билан вақтинчалик фойдаланиш учун шартнома тузиб, мевали ва манзарали

дарахтлар экиб, боғ қилиниши билан биргаликда шу ҳудудда ободончилик ишларини олиб бориши шартлиги, ушбу ер майдони чегарасини Навоий шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасидан тасдиқлаб олиш лозимлиги баён қилинган.

Худди шундай суд мажлисида жавобгар “Қизилтепа Бетон Қурилиш Монтаж Сервис” МЧЖ вакили У.Қурбонов ҳам иштирок этиб, у ҳам даъвошни тан олмасдан бу низоли ер участкаси шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ер ажратилганлигини, шундан кейин қурилиш ишлари бошланганлигини, С.Ҳазратовнинг дов-дарахтлари МЧЖ томонидан кесиб ташланмаганлигини, у ўзбошимчилик билан ушбу низоли ер участкасида дарахтлар эканлигини, С.Ҳазратовга квартира бериш бўйича ваъда берилмаганлигини, энг муҳими, судга мурожаат қилиш даъво муддати ўтиб кетганлигини алоҳида билдириб, суддан даъвошни рад қилишни сўради.

Салим отанинг судга мурожаат қилиш даъво муддати ўтиб кетганлигини иттиҳоб қилаётган жаноб МЧЖ вакили отахонни 2018 йил январгача ёлгон ваъдалар билан алдаб келганликлари ҳақида, ҳатто эслаб ҳам кўрмаганига ҳайронмиз... Ва аёнки, даъво муддатини ўтказиб юбориш улар учун отахон олдидаги қарзлардан қутулишнинг пухта ўйланган ўйинлари эканлигини англаш қийин эмас. Бу ўтказиб юборилган муддат суднинг даъвошни рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлишини улар жуда яхши “ўрганишган”.

Суд ҳал қилув қарориди суд-

га раислик қилувчи томонидан “даъвогар манфаатдор шахс томонидан даъво талабини асословчи ҳужжат ёки далиллар тақдим этилмади”, деб ёзишдан осони йўқ. Ажабо, одамларнинг кўз ўнгига ўсган, ҳосилга кирган дарахтлар, боғ-чорбоғ игна эмасди-ку, уни кўрмаслик мумкин бўлса ёки даъво талабини асословчи ҳужжат ўрнига ўтмаса?..

Худди шунингдек, суд мажлисида Навоий вилоят “Ермулк-кадастр” давлат корхонаси мутахассиси У.Болтаев мазкур масала бўйича ўз фикрини билдириб, “Сифат” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан С.Ҳазратов ўртасида имзоланган мазкур ижара шартномаси Навоий шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида давлат рўйхатидан ўтмаганлигини, ижара шартномаси ҳақиқий эмаслигини, у иккиламчи ижара шартномаси ҳисобланишини баён қилган.

Мазкур шартномани зўр бериб ноқонунийга чиқараётган, Салим отани ўзбошимчиликда айблаётган ҳурматли жаноблар нахотки, бир инсоннинг қилган меҳнатини, айниқса, у юрт ободлиги учун қилинган хайрли иш бўлса, қадрлашни билмасалар? Шу ўринда шартномалар ҳақида, унинг ҳуқуқий ҳужжат эканлиги ҳақидаги айрим мулоҳазаларимизни баён қилишни лозим топдик. Нима учун бу ширкат билан С.Ҳазратов ўртасидаги шартнома агар ноқонуний бўлса, у нега тузилди? Нима учун бу шартномани Навоий шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари кўриб, шу асосида ер ажратишини ва унга ободонлаштириш ва дарахт экин учун рухсат берди? Бунга келиб, нима учун бу шартнома кучсиз ёки ноқонуний характерга эга, деган таъналарга қолди? Агар шу шартнома имзоланмаганда, Салим ота шунча хизматини, шунча меҳнатини, шунча маблағини ҳавога сочибди, ҳақини ололмай сарсон бўлиб юрмасди.

Ҳўп, шундай экан, нега бундай шартномаларни тузишга йўл қўйилапти? Шартномага ишониб, қуйиб қолаётганларнинг ҳақ-хуқуқ ва манфаатларини ким ҳимоя қилади? Ноқонуний шартномалар тузишга ташкилотларнинг қанчалик ҳаққи бор? Бундай кўзбўямачиликлар қачонгача давом этади? Бир инсонни ташландиқ ерни обод қилиб, салкам 300 та дарахт экишга ундаган, дарахтлар ҳосилга киргунча унинг чеккан захматларини, мевалар бера бошлаган боғини бузиб ташлаганда чеккан изтиробларини томоша қилиб турган кимсаларнинг нахотки виждони қийналмаётган бўлса?

Энг ачинарлиси, “адолатли”

**МУДДАТИДАН АВВАЛ ПЕНСИЯГА ЧИҚСА БЎЛАДИМИ?**



— **БОЛАЛИҚДАН эмас, кейинги ҳаётида ногирон бўлиб, унга турмуш ўртоғи қараган бўлса, пенсияга чиқишга 5 йил қолган тақдирда муддатидан аввал пенсияга чиқса бўладими?**

А.ЖУРАҚУЛОВ

— Амалдаги қонунчиликка кўра, шахсга I ёки II-гурӯх ногиронлиги белгиланса, унга ўрнатилган тартибда ногиронлик пенсия ёки нафақаси тайинланади. Ўзгалар парваришига муҳтож I-гурӯх ногиронига қараб турган шахсга пенсия тайинланаётганда қараб турилган давр фақат унинг стажига қўшиб ҳисобланиши мумкин. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга қараб турилган давр умумий белгиланган ёшдан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини бермайди, шунингдек, бу даврда қараб турувчи шахсга бирор қўшимча тўлов тўланмайди.

Саволга Пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи  
Ф.НАЗИРОВ жавоб берди.



**ҳалқумидан олиш керакми?**

суд Салим отани эмас, амалдорларни ҳимоя қилиб, адолатсиз қарор қабул қилди:

“Даъвогар Навоий шаҳар адлия бўлимининг фуқаро Салим Ҳазратовнинг манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар Навоий шаҳар ҳокимлиги ва “Қизилтепа Бетон Қурилиш Монтаж Сервис” МЧЖга нисбатан “Ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарни андириш тўғрисида”ги даъво аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин”.

Бўёғи ундан ҳам ачинарли, судда йиқилганни тегиш практикаси ҳам бор экан. Даъво талаби тўлиқ рад этилди, аммо манфаатдор шахс С.Ҳазратовдан давлат фойдасига 1 000 000 сум миқдорда давлат божи ундирилди. Бу отахоннинг ёши етмишга яқинлашиб қолганлиги, пенсияда эканлиги ва беш нафар фарзанди борлигини, моддий аҳволини инобатга олиб, “инсонпарварлик” қилиб чиқарилган қарор эканлиги эса кишининг баттар ғазабини келтиради.

**ҚАРГА ҚАРҒАНИНГ КЎЗИНИ ЧЎҚИМАЙДИ... МИ?**

Шундан сўнг Навоий шаҳар адлия бўлими фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро судининг 2019 йил 12 февралдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судига апелляция шикоятни киритди.

Апелляция судлов ҳайъатининг ажримда фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро судининг маркуз иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, берилган апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Апелляция судлов ҳайъатида ҳам ўша эски гап, эски важлар, яна ўша шартноманинг ноқонунийлиги, яна ўша даъво муддатининг ўтганлиги ҳақидаги “асосли баҳоналар” пеш қилинган. Судлов ҳайъати томонидан лоақал бирор ўринда шу кекса отахоннинг йиллар давомида қилган хайрли ишлари, юрт ободлигига қўшган ҳиссаси, куйган меҳнатлари, шартнома қилишга қилиб, уни ишлатиб, ҳимоя қилишга келганда томошабин бўлиб турганлар ҳақида бирор сўз айтилмаган. Халқимиз “Қарга қарганин кўзини чўқмайди”, деб бекорга айтмаганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Салим ота Ҳазратовнинг муножабига айрим мутасадди ташкилотларнинг жавобларини ўқиб, хайратдан ёқа ушлайсиз. Судда ер, кадастр тизими вакили ернинг

ижара шартномаси ноқонуний, деб турган бўлса, вилоят “Ер-мулккадастр” давлат корхонаси Навоий шаҳар филиали раҳбари О.Темиров эса Навоий вилоят ҳокими ва аризачи С.Ҳазратовга берилган жавоб хатида “Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги қарорининг 27-бандига биноан ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юридик шахслар кўрган зарар учун компенсация тўлиқ тегишли шахсар ҳокимликлари томонидан мазкур низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Юқоридагиларни инобатга олиб, фуқаро С.Ҳазратов томонидан фойдаланиб келинган ер майдони қурувчи ташкилотга уй-жой қурилиши учун ажратилганлиги сабабли етказилган зарарлар ташкилот томонидан тоvon пули шаклида тўлиқ тўлаб берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман”, дейилган.

Судда худди шундай бир-бирига қарама-қарши фикрларни шаҳар ҳокимлиги вакилларининг жавоб хатларида ҳам кузатиш мумкин. Навоий шаҳар ҳокимлиги вакили Ш.Тўраев даъвога тан олмасдан, низоли ер участкаси шаҳар ҳокимининг қарорига асосан юқорида номи қайд этилган МЧЖга ажратилганлигини маълум қилиб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўраган бўлса, шаҳар ҳокимлиги бош юриконсулти А.Асадов эса С.Ҳазратовнинг шаҳар ҳокими номига ёзган муножабатини ўрганиш юзасидан берган хатида: “Олиб қўйилаётган ер участкалари корхона, муассасалар ва ташкилотларга берилган тақдирда тоvon тўлаш, туман ҳокимларининг қарорлари кўра корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилишини қайд этган.

Ва шунингдек, фуқаро С.Ҳазратов томонидан фойдаланиб келинган ер майдонига қурувчи ташкилот томонидан дароҳтларни парвариши учун пул маблағлари тўлаб берилмаганлиги ҳамда тоvon пули тўлаб берилишини назарда тутиб, ушбу бarchа маблағларни қурувчи ташкилот томонидан тўлиқ ҳажмда тўлаб бериш лозим, деб ҳисоблайман”, деган жавоб берган.

Бу чўзилган қарз муаммоси билан боғлиқ яна бир жавоб хати — 2012 йилнинг 6 ноябрида Навоий вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси раисининг имзоси билан берилган “Давлат экологик экспертизаси хулосаси”да мазкур кўп қаватли туракдор биноси қурилиши учун ҳамма нарса ҳақида фикр билдирилган, аммо ўша жойда экилган ва мева бе-

раётган дароҳтлар ҳақида бирор жумла йўқлигидан хайратландик. Ахир, табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг асосий вазифаси атроф-муҳитга, табиатга зарар етказмаслики талаб қилишдан иборат эмасмиди?

Табиийки, Салим отанинг табиатга етказилган зарар ва кесилган дароҳтлари учун талаб қилаётган тоvon пулини ундириб беришни сўраб вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш бошқармасига қилган муножабатидан кейин орадан етти йил ўтиб берилган иккинчи жавоб хатида вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг 2012 йил 6 ноябрдаги давлат экологик экспертизаси хулосасида ушбу худудда қурилиш майдонига дароҳтлар қўратилмаган, деган жавобни бериш билан қутулиши жуда афсусландирди.

Хайриятки, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дароҳтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий жорий этиш тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатнинг 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача амал қилиши, бу каби қонунбузилшларнинг олдини олишга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Мораторий амал қилиш даврида ваколатли давлат органлари (ҳокимликлар, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш бошқармалари) давлат ўрмон фондига кирмайдиган дароҳтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига рухсатнома бериш тўлиқ ман этилиши, вақтинчалик бўлса-да, муҳим норма бўлди. Аммо жаҳиятимизда “қаловини топса қорни ёндирадиганлар” ҳали ҳам бор экан, дароҳтларнинг ҳаётидан хавотир олишга асосимиз бор...

**БУГУНГИ АКЦИЯЛАР ЭРТАГА БАРБОД БЎЛАДИМИ?**

Бугун мамлакатимизнинг бarchа гўшаларида баҳор нафаси кезаяпти. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан элчи кезаётган “Бир миллион дароҳт” акцияси бутун юртимизнинг олис-олис қишлоқ ва овулларида камраб олганлиги юракларга буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг “Боғи беҳишлари”ни, “Боғи эрамлари”ни ёдга солади.

Бу хайрли ташаббус, албатта, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилиши аниқ. Аммо бир нарсадан, яъни йиллар ўтиб, бугун экилган дароҳтлар осмонга буй чўзиб, қўзларимизни қувонтирганга, уйдабурон ишбилармонларнинг кўзига яхши кўриниб қолган боғлар ўрни яна “гаровга” тушишига, бу дароҳт-

ларнинг илдизлари осмонўпар қурилишлар остида қолиб кетишига йўл қўйилмасмикин, режада болалар боғчаси қурилиши, деб кўрсатилиб, зум ўтмасдан баланд “дом”лар қурилишига айлантириб юборилмасмикин, деган хавотирдамиз.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Санжар ҚУРБОНОВнинг қуйидаги фикрлари эса инсонийлик, ўзбекона улуг қадриятларимиздан бири эканлиги, ана шу қадриятга бугунги кунда путур етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги ҳақида:

“Салим ота Ҳазратов яшаётган худуддан сайланган депутат сифатида у кишининг муножабати билан танишиб чиқдим. Аммо бу иш йиллар давомида бир ёқлама ўрганиб келинган. Ҳатто, суд жароғида ҳам инсон омили, деган тушунча, инсоннинг ташаббуси, обод қилиш, кўчат экишдек савобли амали ҳисобга олинмаган.

Бугун тан олиш керак, ўз ҳақини талаб қилиб, турли ташкилотларга муножабат қиладиган инсонларга нисбатан гўёки улар ёзмаста тура олмайди, деган стереотип шаклланиб қолган. Лекин аслида ёши етмишга қоралётган кекса кишига кимгадир тўхтаб қилишга не ҳожаат бор? Қурувчи тоmon “Қизилтепа Бетон Қурилиш Монтаж Сервис” МЧЖ мутасаддилари берган ваъдаларини тан олишмаяпти экан, уларга битта савол билан муножабат қилайлик. Сизнинг отангиз, ҳатто ўнtagина кўчат эккан бўлса ва уни кимдир кесиб ташласа, жим қараб тура олармидингиз?

Отахон садақа эмас, ўзи меҳнат қилиб экиб, ўстирган уч юзга яқин дароҳтига тоvon сўраяпти. Отахоннинг хизматларини бутун маҳалла аҳли, юзлаб кўчи-қўшни, катта-кичик ташкилотлар тасдиқлаб турибди. Унга қаршилар эса бу дароҳтларни кўрмадик, деган ёлғондан қўрмаяпти. Наҳотки, тадбиркор бўладими, судьями, халқ қабулхонаси вакилими, шу вақтгача отахоннинг арзини қонун тили билан ҳал қила олмайди, буни инсонийлик ва виждон тарозисидан ўлчаб кўрса бўлмасмиди?

Бугун боғ қиламан, дароҳт экман, деб юрган ёш авлод бир кекса кишининг у эшиқдан бу эшикка сарғайиб юрганини кўриб, кўчат экадими? Биз бу билан минг йиллик аъналаримиз ва ташаббусларни ўз қўлимиз билан бўғмаяпмизми?


Бу ерда оддий фуқаро алданган ва жабр кўрган. Нима бўлганда ҳам дароҳт экан инсоннинг манфаатларини ҳимояланиши, дароҳтни кесганлар жавоб бериши, тоvon тўлаши шарт”.

Ҳа, депутат ҳақ. Инсон бу дунёга эзгу амаллар ва яхшилик қилиш, ўзидан хайрли из қолдириш учун келади. Асрий қадриятларимизни авлоддан-авлодга етказиш ҳам савоб. Дароҳтлар ҳам бизга Аллоҳ берган омонатдир. Хавотиримизга ўрин бор. Чунки бу “тажриба” Навоий вилояти учун янгилик ёки биринчиси эмас. Утган йили Навоий шаҳар марказидаги боғдаги ярим асрлик дароҳтлар қўпорилганда, юраклар бир ларзага келганди. Тўғри, тоvonи тўланмаган ўша дароҳтлар ўрнида ўзимизда йўқ жуда қимматбаҳо, антика дароҳтлар ўтказилди. Аммо... Кейинги йилларда кўп қаватли уйлар қурилиши баҳонасида юзлаб, керак бўлса, минглаб дароҳтларнинг кесилаётганлиги ёш авлод олдига табиатга зарар етказмаслики тарғиб қилган сўзимиз бошқаю, уларнинг кўз ўнгига дароҳтларни кесиб табиатга етказётган зиёнимиз, офатимиз бошқа эканлиги билан ҳурматимизни, ишончини йўқотишимизни кўрсатмайдими?

Унутмайлик, ойни етак билан ёпиб бўлмайди! Бир вақтлар барқ уриб, шохларига мевалар осилиб турган боғларнинг уволдан қўрқмаслик ҳам миллатимизга хос эмас, ўлмас қадриятларимизга мусома. Ахир, кўнглимизнинг ҳисобини бериш қийинлигини, бекорга инсон дилини оғритгани Маккани вайрон этганга тенг, дейилмаслигини яхши биламиз-ку. Қурилиш ташкилот раҳбари Амриддин Маҳмудов билан учрашишга неча бор уринмайлик, иши кўпчилигимиз ёки бошқа сабабданми, билмадик, биз билан юзлашиб, саволларимизга жавоб беришни истамаётган МЧЖ раҳбари билан телефон орқали боғланишга мажбур бўлдик. Кекса бир отахоннинг сарсон-саргардонлигига сабаб бўлаётган А. Маҳмудовга айтган сўзларимиз билан мақоламизга яқун яшашни лозим топдик:

Бир кекса отахонни норози қилиб, кўкка буй чўзган иморатларнинг қойдеворига оддийгина инсон қадрини, инсоф амалларини бўлмас экан, унга қачондир дарз кетишидан қўрмайсизми? Ҳали ҳам кеч эмас, дароҳтларга тоvon пули тўлаб, отахоннинг дуосини олишга имкон бор. Гарчи судлар шаҳар ҳокимлиги ва қурувчи ташкилот манфаатини ҳимоя қилган бўлса-да, аслида кўплар унутиб қўйган яна бир оддий ҳақиқат бор: Қонларнинг қонуни — виждон... Ва шу виждон амири бор бўлса агар, отахоннинг саккиз йиллик сарсонлиги туғайди, деган катта умидимиз бор...

Маруся ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири



## Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Давоми. Бошланғичи 1-бегла

Инсон ҳуқуқларининг индивидуал табиати ҳақидаги эътирофдан воз кечиш ва аёллар ҳуқуқларининг алоҳида, аввало, дискриминацияга учровчи, ижтимоий гуруҳ сифатида тан олиниши инсон ҳуқуқларининг учинчи (сиёсий, фуқаролик ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан кейинги) авлоди шаклланиши билан боғлиқ. У ижтимоий, сиёсий, жисмоний ва бошқа сабабларга кўра барча инсонлар учун умумий бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда бошқалар билан тенг имкониятга эга бўла олмайдиган ва шу боисдан давлат томонидан ҳам, халқро ҳамжамят томонидан ҳам қўллаб-қувватлашга муҳтож фуқаролар тоифаси ҳуқуқларини қамраб олади.

Шу боис БМТ томонидан Аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф этиш декларацияси (1967 й.) ҳамда Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари бартараф этиш ҳақидаги конвенция (1979 й.) қабул қилинган. Айнан иккинчи ҳужжатда аёлларнинг коллектив ва индивидуал ҳуқуқлари ҳимояси масаласига кучлироқ урғу берилган. Хусусан, 1979 йилги Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ, "аёлларга нисбатан дискриминация" тушуниш жинс белгилари асосида, хотин-қизларнинг, оилавий аҳволдан қатъи назар, аёл ва эркак тенглигига таяниб, инсоннинг сиёсий, иқтисодий,

ижтимоий, маданий, фуқаролик ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланишига тўсқинлик қилиш, уларни тан олмасликка қаратилган ҳар қандай чеклов ёки тақиқни билдиради". Айни пайтда Конвенциянинг 4-моддасида аъзо-давлатлар томонидан оналикни ҳимоялаш, шунингдек, аёллар ва эркакларнинг фактик тенглигини ўрнатишни жаддалаштиришга йўналтирилган махсус муваққат чоралар дискриминация саналмаслиги таъкидланади.

Умуман олганда, ўтган асрнинг 70-йиллари дунё миқёсида аёллар тенг ҳуқуқлиги масалаларида уйғониш, жаддалашув сезилган давр бўлди, десак муболага бўлмайди. Хусусан, 1975 йилнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқро аёллар йили, деб аталиши, 1976-1985 йиллар

оралиғидаги даврнинг эса "Тенглик, тараққиёт, тинчлик" шиори остида БМТ Аёллар Ўн Йиллиги эълон қилиниши фикримиз исботидир. 1979 йилги БМТ Конвенцияси эса эркак ва аёлларнинг ҳуқуқий асосга бўлган ҳуқуқ ва имкониятларини тенглаштириш вазифасини кўндаланг кўйган, мазкур масалага бағишланган принципал аҳамиятга эришган халқро ҳужжатидир.

1985 йилда аёллар аҳволи юзасидан Найроби (Кения)да ўтказилган халқро конференция "гендер тенглиги" тушунчасига янгича мазмун бағишлади. Тенгликка фақатгина ҳуқуқий тушунча, яъни дискриминациянинг de jure бартараф этилиши эмас, балки аёлларнинг тараққиёт жараёнида нафақат истеъмолчи (бенефициар), балки фаол ҳаракатланувчи куч сифатида иштирок этиши учун имконият,

шарт-шароит ва ҳуқуқлар тенглиги сифатида ёндашила бошланди. Европа, хусусан, Скандинавия мамлакатлари миқёсида бу ҳолат ҳуқуқий давлатларнинг ҳуқуқий ижтимоий давлат шаклига ўзгариши билан изоҳланади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ҳам гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси масалаларида самарали давр бўлди. Жумладан, ҳарбий зиддиятлар даврида энг кўп азият чекадиган қатлам аёллар ва болалар эканлиги инобатта олинган ҳолда, 1993 йил Венада ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича халқро конференция кун тартибига аёлларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқлари умуминсоний ҳақ-ҳуқуқларнинг ажралмас таркибий қисми эканлиги ҳақидаги масала қўйилди. Вена конференциясида қабул қилинган ҳужжатлар ҳарбий ихтилофлар даврида аёллар ҳуқуқларининг бузилишини инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ соҳасидаги халқро ҳуқуқнинг таянч тамойилларини бузишга тенглаштирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена халқро конференцияси Бош Ассамблеяга Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳақида декларация қабул қилиниши тақлиф қилди

ва мамлакатларни бундай шарҳидаги ҳолат билан курашишга чорлади. Ҳақиқатан — 1993 йилнинг 20 декабрида Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш ҳақида декларация қабул қилинди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар БМТ органларига инсон ҳуқуқлари борасида тақдим этилган ҳисобот маърузаларига аёлларга нисбатан зўравонлик ва унга қарши кўрилатган чораларга оид маълумотлар, шунингдек, мазкур масаладаги тенденциялар тахлилини ҳам киритиши лозим бўлди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик масалалари юзасидан махсус маърузачи тайинланди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқлари учун миллий ва халқро миқёсда амалга оширилаётган ҳатти-ҳаракатлардан қатъи назар, маънавий зўравонлик, таъвоузулар, иш ҳақларидаги номутаносиблик, меҳнат ҳуқуқларининг камситилиши каби муаммолар ҳамон долзарблигига эришмади.

**Севара ИШМУРАТОВА,**  
"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнали масъул котиб

**Ў**ТГАН йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Урганч туманидаги "Халқ қабулхонаси"га иш излаётган бир неча фуқаро (аксарияти ёшлар) мурожаат қилиб, фойдали меҳнат билан шугулланиш учун амалий ёрдам беришимизни сўраган эди. "Халқ қабулхонаси" бу масалани ҳудудлар бўйича шакллантирилган секторлар раҳбарлари эътиборига ҳавола этди ва мурожаат билан чиққанларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди.

Худди шундай 2019 йилда туман "Халқ қабулхонаси"га жами 1 минг 54 та мурожаат келиб тушгани ва унинг 753 таси ёки 71 фоизи қаноатлантирилгани ҳисобга олсак, кўплаб фуқароларнинг муаммолари ҳал этилди. Буни биргина ўтган йили Президентимизга чўқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этилган ҳолда туман "Халқ қабулхонаси"га йўлланган 70 та ташаккурноманинг ўзи ҳам ибодлайди.

Ана шундай мактубларнинг бири туманнинг Шохидонлар маҳалласида яшовчи Адолат Қўрамова томонидан йўланди. Унда маҳалладаги бир қанча кўчалар аҳолиси йиллар мобайнида ичимлик сувидан бебаҳра ҳолда яшаб келгани, одамларнинг бу борадаги ариш-шикоятлари мутасадди идораларда безътибор қолиб кетгани баён қилиниб, ушбу долзарб муаммо уч йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган "Халқ қабулхонаси"нинг аралашуви билан барҳам топгани, қисқа фурсат ичида 300 метр масофага сув қувурлари тортиб борилгани маълум қилинган.

Шунингдек, ушбу маҳаллада яшовчи тadbirkор Бахтиёр Жуманиёзовнинг ўзига қарашли савдо шохобчаси 2 йил муқаддам туман мутасаддилари томонидан бузилгани, бироқ орадан шунча вақт ўтса-да, иморат учун тегишли ер майдони ажратиб берилмагани, товон пули тўланмагани ҳақидаги шикоят ҳам тўла қаноатлантирилди. Аризачи ўзининг қонуний талаби бажарилганини давлатимиз раҳбари номига битган миннатдорчилик мактубида

## МУРОЖААТЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛМАГАН ИШЛАР "ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ" АРАЛАШДИ

батафсил изҳор этди.

Бундан ташқари, туманнинг Беруний маҳалласида истиқомат қилувчи Камолиддин Турсунбоевнинг оилавий тadbirkорлик корхонасига асос солишга қаратилган орзуси ҳам у йўллаган илтимоснома боис тўла рўйга чиқди. Унга "Ҳар бир оила тadbirkор" дастури доирасида тегишли банк муассасаси томонидан имтиёзли тарзда 150 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди.

"Халқ қабулхонаси"нинг аралашуви билан яна бир хонадон "Галаба" маҳалласида турмуш кечираётган Кенжаевлар оиласининг мушқули ҳам осон бўлди. Оиланинг 1 ва 2-гуруҳ ногирони ҳисобланган икки нафар фарзандини боқиб, тарбиялаш ва даволаш билан боғлиқ харажатлари ҳажми анча кўпайгани, натижада оила аъзолари истиқомат қилаётган уйни таъмирлаш учун моддий имкон қолмагани, мазкур бинонинг томини ёпиш, айниқса, катта муаммога айлангани юзасидан ёзган аризаси "Халқ қабулхонаси"да ўрғанилди. Ҳамдам Кенжаевга қарашли мазкур уйнинг томини ёпиш борасида туман ҳокимлиги томонидан кўрилган чоралар тўғрисида хонадонга етарли миқдорда қурилиш ашёлари бепул етказиб берилди.

Таъкидлаш лозимки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш "Халқ қабулхонаси"лари фаолиятининг энг муҳим ва асосий жиҳатини ташкил этади. Масаланинг бошқа бир муҳим жиҳати ҳам бор. Уни келиб тушаётган мурожаатларга бўлган муносабат мисолида

кўраимиз. Гап шундаки, "Халқ қабулхоналари" жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қаноатлантиришдан кўпроқ манфаат топади. Ариза ва шикоятларни чала-ярим, пала-партиш, ўзгалар дарду ташвишига шерик бўлмаган ҳолда юзаси ва безътибор бўлишининг оқибатида уларнинг аксарияти ҳал этилмайди.

Келиб тушаётган мурожаатларни синчилаб ўрганиш ва шу юзасидан таъсирчан чоралар белгилаб, уни изчил амалга ошириш билан кифояланмай, унинг келиб чиқиши, урчиши сабабларини ҳам синчковлик билан ўрганиш лозим. Кези келганда эса мониторинг ва тadbirkор тadbirkорларига ҳам кенг йўл очиб, инсон дарду ташвишига бепайсал муносабатда бўлаётган шахсларнинг жавобгарлиги масаласини дадил илгари суриш зарур. Ўтган йили "Халқ қабулхонаси"да масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилди. Мурожаатларнинг энг кўпи, яъни 312 таси (барча мурожаатларнинг 30 фоизи) уй-жой, ер муносабатлари, 93 таси (8,8 фоизи) газ, электр энергияси, сув, иссиқлик таъминоти, 91 таси (8,6 фоизи), моддий ёрдам масалаларига бориб тақалган эди. Мазкур масалаларнинг ечими билан шугулланувчи идора ва ташкилотлар масъулларнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги фаолияти алоҳида назоратга олинди. Уларнинг аҳоли олдидagi мунтазам ахбороти ва ҳисоботи йўлга қўйилди. Бу жараёнда тумандаги мутасадди идора ва ташкилотларга қараб чиқиш ҳамда ҳал қилиш учун юборил-

ган 27 та мурожаат белгиланган муддатдан анча кечикиб ўрганилгани оқибатида уларга жавоб қайтариш учун белгиланган 30 кунлик муҳлат аллақачон ўтиб кетгани, бу борадаги "мусобақа"да туман ҳокимлиги "пешқадамлик" қилгани маълум бўлди. Натижада, туман ҳокимлигининг бир қатор масъуллари: бош мутахассис У.Пахридинов, мутахассис А.Назаров, ҳуқуқшунос С.Зарипов, ҳоким муовинлари: Ҳ.Отахонов, Б.Каримов, архитектор ва қурилиш бўлими мутахассиси З.Матёқубовлар тегишли тартибда маъмурий ва интизомий жазога тортилди.

Юқорида ҳукмингизга ҳавола этилган жонли мисоллар, факт ва далиллар бу борадаги хайро савоб ишларда Президентимизнинг жойлардаги "Халқ қабулхоналари"нинг ўрни бекиёс эканлиги кўриниб турибди. Галдаги вазифа бу борада тўпланган ижобий тажрибалар салмогини янада ошириш, уни кенг ёритиш, тизим фаолиятини тобора кучайтириш ва такомиллаштириш, омманинг ялпи розилиги ва хайрихоҳлигини таъминлашга қаратилган дастурлар, режаларнинг ижобатига янада кенг ва раvon йўл очибдан иборат.

**Одилбек КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Урганч туманидаги "Халқ қабулхонаси" раҳбари,  
**Абдулла СОБИРОВ,**  
"Инсон ва қонун" муҳбири

**Б**угунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда фаол ўзгаришлар ва янгилликлар жорий қилиниб, юртимизни жадаллик билан тараққий эттиришда қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, мудоффа соҳасидаги, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Куролли Кучларини тақомиллаштириш борасидаги ислохотлар ҳам шулар жумласидандир.

2019 йил 12 сентябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматини ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги низом аввалгисидан 80 фоизга ўзгартрилди. Хусусан, пенсия ҳисоблаш вақтида ҳарбий хизматдан ташқари давлат хизматларининг бошқа турлари назарда тутилган вазирликлардаги хизмат махсус унвон берилган кундан бошлаб ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланадиган бўлди. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига ҳарбий хизматга олишда уларнинг олий таълим муассасаларидаги ўқиш муддатлари ва олдинги иш жойларидаги меҳнат стажни пенсияни ҳисоблашда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига 1 ойлик ўқиш (иш) 1 ойлик хизмат ҳисобида қўшиб ҳисобланади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган (резервга, истеъфога бўшатиш) контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматининг умумий давомийлиги 10 ва ундан ортиқ календарь йилга етганда

# Ҳарбий хизматга чақирувда қандай ўзгаришлар бўлди?



ўзлари эгаллаб турган турар жойларини бепул хусусийлаштириш олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Йил давомида кўшинларнинг ўқув-моддий базасини, ҳарбий шаҳарча ва полигонларнинг инфратузилмасини тақомиллаштириш, бўлинмаларни янги курол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш ишлари давом эттирилди.

Кўшин турларининг ҳамкорлигини ташкил этиш, қўлланилиш тактикаси ва стратегиясининг

замонавий тажрибаси чуқур ўрганилди. Бу жараён ҳаётда жанговар шароитларга максимал даражада яқинлаштирилган ҳолда ташкил этилаётган гуруҳ, взвод ва батальон тактик ўқувларида курол-яроғ ва ҳарбий техниканинг энг янги намуналарини қўллаш, шахсий таркибнинг яшовчанлигини ошириш, мураккаб ҳудудларда топшириқларни минимал йўқотишлар билан бажариш каби масалаларда ўз аксини топди.

Хорижий давлатларнинг мудоффа идоралари билан халқаро ҳарбий ва ҳарбий — техникавий ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида йўлга қўйилган алоқалар натижасида нуфузли ҳарбий академиялар ва марказлар вакиллари билан тажрибалар алмашилди, семинар-тренинглари, анжуманлар ўтказилди. Туркия, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Буюк Британия ва бошқа қатор хориж мамлакатлари мудоффа академиялари, стратегик тадқиқотлар марказлари вакиллари иштирок этган тадбирлар долзарб масалалар бўйича хорижий экспертларнинг илмий қарашлари ва хулосаларини ўрганиш, соҳадаги энг сўнгги маълумотлардан хабардор бўлиш ва уларни атрофлича таҳлил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, шунингдек, Куролли Кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини янада тақомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб

бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш имконини берди.

Куролли Кучларимизда ҳарбий хизматчиларнинг хизматини муносиб ўташлари учун яратилган шарт-шароитлар шахсий таркибнинг касбий билимларини ошириш ва кўникмаларини тақомиллаштириш ҳамда уларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлашга хизмат қилаёпти.

Ҳарбий хизматчилар оила аъзоларини тадбиркорликка йўналтиришга қаратилган 140 га яқин тадбирлар ўтказилиб, ҳозирги кунда 77 нафар ҳарбийнинг оила аъзолари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳам кун тартибидagi муҳим масалалардан бири бўлди. 2019 йилда 325 хонадондан иборат 18 та кўп қаватли уйлар қурилди.

Узоқ муддатли ва ипотeka кредити ажратиш асосида 1974 хонадондан иборат 57 та кўп қаватли уй қурилиб, мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар оилалари янги уйларга қўчиб ўтди.



**Ҳарбий хизматчилар оила аъзоларини тадбиркорликка йўналтиришга қаратилган 140 га яқин тадбирлар ўтказилиб, ҳозирги кунда 77 нафар ҳарбийнинг оила аъзолари хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб — қувватлашга оид кўшимча чора — тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун олий таълим ва олий ҳарбий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга кириш ва давлат гранти асосида таълим олиш имконияти яратилди. Ушбу имтиёздан фойдаланиб 2019 йилда 408 нафар ҳарбий хизматчининг, 73 нафар хизмат бурчини бажариш чоғида ногиронлик олган ёки ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг фарзандлари талабалик бахтига муваффақ бўлдилар.

**Шерзод ТУХТАБОВ,**  
**Бош прокуратура бошқарма бошлиғи**

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

### хуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга барҳам беради

ЎЗБЕКИСТОНДА 2020 йил — "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб номланиши ёшлар ва уларнинг келажига нисбатан улкан эътибор ва ғамхўрликдан дарак беради.

Давлатимиз раҳбари ушбу йил номини тақдир этганда халқимиз олдида муҳим вазифаларни белгилаб, уларни бажаришни шарт қилиб қўйди.

Хусусан, эндиликда, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ҳар бир боланинг таълим-тарбияси алоҳида назоратга олинди, 3-6 ёшдаги болалар 2021 йилда 1674,5 минг, 2030 йилда 2401,2 минг кишига етиши режалаштирилди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг янги концептуал турларини босқичма-босқич жорий этиш, бунда оилавий мактабгача таълим муассасалари сони ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Инсон ҳаётидаги яна бир муҳим босқич, албатта, унинг бошланғич таълимни мактабда олиши, таълимнинг касбга ёки бирор мутахассисликка ихтисослашуви ҳисобланади. Бунда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув муассасаларининг аҳамияти бекиёсдир. Президент мурожаатномасида ҳам барча мактабларда ёпилаётган 868 та касб-хунар коллежи ва академик лицей ҳисобига, янги мактаб биноларини қуриш, мавжудларни реконструкция қилиш ва уларнинг қувватини кенгайтириш ҳисобига бир сменали иш тармоғи ва қувватларини 1,3 баравар ошириш, бир сменали ишни таъмин-

лаш; хусусий ва давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, бунинг учун ҳар бир шаҳар ва туманда мавжуд мактаблар ёки янги қурилган мактаблар негизда бундай мактаблар улушини уларнинг умумий сонига 20 фоизга етказиш зарурлиги белгилаб қўйилди.

Юртбошимиз ўз Мурожаатномасида таъкидлаган олий таълим соҳасини янги стандартлар асосида қайтадан қуриб чиқиш, масофавий таълимни жорий қилиш, олий таълим муассасаларини халқаро миқёсга олиб чиқиш вазифалари ҳам бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, эркин фикр билдириш, халқаро муносабатларда тенглик, инсон ҳуқуқларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш ҳамда маданиятларнинг хилма-хиллигини сақлаш, маданият ва санъат соҳасида кадрларни тизимли, илмий ва узлуқсиз ўқитиш ҳамда тайёрлаш маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишларда очиқлик ва ошқораликка эришиш, шахсининг руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган гоёларга муросасизлик руҳини шакллантириш каби асосий принциплар белгилаб берилди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш келгуси беш йилдаги энг устувор мақсадимиз бўлиши ҳақидаги таъкид эса, бевосита илм-маърифатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, бугунги тезкор замонада жаҳон бўйлаб глобаллашуви жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган шароитда рақамли иқтисодиёт илгор давлатлар

иқтисодиётининг барча тармоқларида кенг жорий этилмоқда. Ҳаттоки, айрим мамлакатлар ушбу соҳанинг энг юқори чўққиси ҳисобланган сунъий интеллектдан фаол фойдаланишга ўтганига гувоҳ бўлялмиз. Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига қўра, рақамли иқтисодиёт янги ички маҳсулотни камда 30 фоизга ўстириши, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисодиётта барҳам бериш ва коррупцияни кескин камайтириш имконини беради экан.

Давлат ва жамият бошқаруви соҳасида ахборот-коммуникация тизимлари жорий этилиши, шунингдек, телекоммуникация сектори ривожланиши мамлакатда социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ҳамда янгиланишлар самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади. Халқаро амалиётга юзланадиган бўлса, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкнинг ва бошқа соҳаларга жадал қилиб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида ўзининг юқори самараларини бермоқда.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали алоқача ўтказиш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни тақдир этиши — бу рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани

кенг ривожлантириш Президентимиз таъкидлаганидек, биздаги энг асосий оғриқли муаммолардан бири — коррупция иллатига барҳам беради.

Шундай экан, Ўзбекистонда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, энг аввало, пухта ва мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, қолаверса, инновацион гоёлар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, мухтасар айтганда, мамлакатда "ахборотлашган жамият" муҳитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Моҳинур БАҲРОМОВА,**  
**Тошкент давлат юридик университети**  
**Интеллектуал мулк кафедраси ўқитувчиси**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг фахрийси  
**Баҳодир ОЛИМЖОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир  
**Азим СҮЮННИНГ** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ИНСОН ВА ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2010-7697

9772030778008

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Акбар Журабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тоқиев Фуқрат Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган кўпмаъража таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Мадина Ҳамдамова  
**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюнда чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 6154  
Буюртма — V-4099

Топшириш вақти — 19:00  
Топшириғи — 21:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

# Уй, автомобиль ёки замонавий техника керакми?

## Бунда Сизга “Халқ банки”нинг янги хизматлари қўл келади

**РЕЖАЛАШТИРИЛГАН** иш амалда кимгадир нафи тегса, жамият ривожига ҳисса қўшса, яъни ижтимоий аҳамияти юқори бўлса, бу барча учун фойдали бўлади. Шу маънода, сўнгги вақтларда акциядорлик тижорат “Халқ банки” томонидан мижозлар ҳамда аҳоли манфаатини ўйлаб ишлаб чиқилган янги хизматларнинг тобора оммалашиб бораётгани диққатга сазовор.

### ОДДИЙ, ЛЕКИН КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН НИҲОЯТДА ЗАРУР

Зеро, банк томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётган ҳар бир янги хизмат аниқ мақсадни кўзлаган. Улар оддий, лекин кундалик эҳтиёжлар учун ниҳоятда зарур. Айтайлик, сиз замонавий маиший-техника харид қилмоқчисиз, танишингиз тўй ёки бошқа маросим ўтказмоқчи, яна кимингиздир узоқ йиллардан буён машина ёхуд уй сотиб олишни ният қилиб юрибди-ю маблагдан қийналиб турибди. “Халқ банки”нинг янги хизматлари худди шундай вазиятларда ёрдам бера олади, дея бемалол айта оламиз. Чунки улар, юқорида таъкидлаганимиздек, барча учун қулай шартларда тақдим этилади.

Масалан, “Пенсия овердрафт картаси” хизматини олайлик. Ушбу карта пенсия олувчининг хоҳишига кўра, 5 йил муддатга бепул очиб берилади ва унинг эгаси зарурат бўлганда, навбатдаги пенсияси келгунча банкнинг “овердрафт” кредитидан фойдаланган ҳолда пенсиясининг 50 фоизи миқдоридида пул олиб туриши мумкин. Кредит 12 ой муддатга, ойига 1,6 фоиз миқдоридида устама билан тақдим этилади. Эътиборлиси, фоизни фақат ишлатган сумма учун тўлайсиз, холос. Яъни, агар, сизнинг пенсиянгиз бир миллион сўм бўлса ва ушбу хизмат ёрдамида 500 минг сўм кредит олгансиз. Бирок унинг 250 минг сўмининг сарфлагансиз. Шунда сиз фақат 250 минг сўм учун устама тўлайсиз. Қолган маблаг пластик картангизда тураверадди.

Бундан ташқари, “Пенсия овердрафт карта” орқали барча турдаги тўловларни тўлаш, нақд пул ечиб олишингиз ҳам мумкин. Нақд пулни “Халқ банки” кассалари ёки банкоматлардан ёнсангиз, ҳеч қандай фоиз ундирилмайди. Яна бир эътиборга молик жиҳати, “Пенсия овердрафт карта”сидидаги қолдиқ маблағларга йиллик 8 фоиз миқдоридида даромад қўшилади. Демак, пулингиз ҳеч қандай ҳаракатсиз кўпайиб боради.

Ҳўш, бунинг ижтимоий аҳамияти нимада? Мазкур хизмат туфайли, аввало, кексаларимиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Уларни учун зарур нарсалар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки дори-дармон сотиб олади. Соғлигини тиклайди. Моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмайди.

Ҳозирги кунгача банк томонидан 343 мингдан ортиқ мижозга “Пенсия овердрафт картаси”

очиб берилган. Шундай экан, сиз ҳам банкнинг ушбу хизматидан фойдаланинг! Афсусланмайсиз, аксинча, манфаат топасиз.

### УЗОҚ МУДДАТ ПУЛ ЖАМҒАРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

“Режали тўлов кобрендинг картаси” эса эгасига банк томонидан белгиланган қарз маблағлари доирасида ҳамкор ташкилотлардан истеъмол товарлари сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имконини беради. Муҳим томони, қарз маблағлари банкка фоизсиз, тўлов графигига асосан тўлаб борилади. Қарз мижознинг иш ҳақиқдан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаригача 1 йил муддатга берилади. Бу орқали ҳам рўзгор кам-кўстини тўлдириб оласиз, ҳам маиший-техника сотиб олиш учун узоқ муддат пул жамғариб юрмайсиз. Олинган қарзни бўлиб-бўлиб қайтарасиз. Бунда ҳам сарфланмаган маблаг учун, ҳеч қандай фоиз тўланмайди.

Банкнинг “Кредит карта” хизматидан фойдаланувчиларга ҳам бир қатор қулайликлар тақдим этилмоқда. Хусусан, мазкур карта эгалари банк томонидан белгиланган кредит лимит (10 миллион сўм) дои-

расидаги маблаглардан имтиёзли давр (давр 30 кун)да фоизсиз фойдаланади. Имтиёзли даврда кредит суммаси тўлиқ қайтарилмаганда, кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 36 фоиз миқдоридида фоиз ундирилади. Кредит карта 5 йил муддатга очик кредит линияси билан берилади. Бу қутилмаган харажатлар учун, айниқса, жуда асқотади. Ойлик маошини қутиб ўтирмайсиз. Маблагни бир ой давомида қайтарсангиз, фоиз тўлаб берасиз. Муҳими, оилада молиявий тақчиллик сезилмайди.

**Жисмоний шахслар учун очик кредит линияси.** Бу кредит линияси мижозга 3 йилга “Резольвер” тартибда 2 йил имтиёзли давр билан ажратилади. Мазкур кредит базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаригача ажратилади. Йиллик 36 фоиз. Кредитнинг афзаллиги шундаки, 3 йил давомида кредит тўлиқ (ёки қисман) қайтарилган тақдирда ундан яна фойдаланиш мумкин ва кредитнинг фойдаланилмаган қисмига фоиз ундирилмайди. Демак, режалаштирилган ишингиз учун бировдан қарз олмайсиз. Кредитдан уч йил давомида бемалол фойдалана оласиз.

### ОРЗУИНГИЗ УШАЛИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

“Trade-In” автокредити. Бу автомобилга қизиқувчилар учун жуда яхши янгилик. “Узавтосаноат” АЖнинг расмий диллерларида эски машиналарни янгисига аламаштириш имконияти

яратилганидан хабарингиз бор. Аммо сизда орадаги фарқни тўлашга маблаг етмаяпти. Ҳудди шу вазиятда сизга мазкур автокредит ёрдамга келади. Гап шундаки, эски автомобиль техник кўриқдан ўтказилиб баҳолангач, “Trade-In” автокредити ёрдамида янги автомобиль нархи ўртасидаги фарқ бўйича шартнома тузилади ва банкда автокредит расмийлаштирилади. Орадаги фарқ суммаси банк томонидан “Trade-In” марказига ўтказилади ва сиз янги автомобилга эга бўласиз. Яна бир яхши томони, бунда сиздан бошлангич тўлов талаб этилмайди.

Мазкур кредит 12, 24 ва 36 ойга берилади ва фоиз миқдори мос равишда 28, 29 ва 30 фоизни ташкил қилади. Гаровга янги автомобилнинг ўзи қўйилади. Автокредитни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам жуда кам. Мижоз ва унинг паспорти, “Trade-In” маркази ўртасида тузилган шартнома ҳамда кафилик, холос. Қарабсизки, янги автомобиль соҳибсиз.

Мазкур хизмат туфайли бир қанча ноқулайликлар олди олинди. Аввало, сизнинг янги автомобиль сотиб олиш орзунгиз ушалади. Эски автомобилни сотиш учун овора бўлиб юрмайсиз. Бу ишларни ортиқча ҳужжатбозлик ва расмиятчиликлардан ҳоли амалга оширасиз.

“Expat Home” ипотека кредити. “Халқ банки” нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ишлаётган фуқароларимизга ҳам қулайлик яратишга интилоқда. “Expat Home” ипотека кредити шундай саяҳатлар самарасидир. Яъни, ушбу хизмат ёрдамида фуқаро хорижда ишлаб туриб ҳам мамлакатимиздан кредитга уй-жой сотиб олиши мумкин. Мазкур ипотека кредитидан доимий даромад манбаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролари фойдаланиш имкониятига эга. Бунинг учун банкка мижознинг ўзи ёки қонунда белгиланган тартибда ишончнома берилган вакили мурожаат этиши лозим.

Ипотека кредити қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги хонадонни бирламчи бозордан сотиб олиш мақсадида берилади. Асосий қарзни қайтариш ва фоизларни тўлаш миллий валютада амалга оширилади. Фақат мижоз сотиб олиннадиган уй-жой ёки кўп квартиралли уйдаги квартира қийматининг камида 25 фоизи миқдоридидаги ўз маблағига эга бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг асосий орузлари



дан бири уй қуриш, тўй қилиш, машина олиш. Бу каби орузлар хорижа ишлашга кетаётган минглар, балки миллионлар юртдошларимизда ҳам бор. Улар хорижда ишлаб топан пулларини уйга юборишадди, оила аъзолари эса ўша пулларни йиғишни бошлайдди. Лекин “рўзгор — гор”, деганларидидай у пуллар кўпинча сарфланиб кетади. Не-не умидлар билан ишлаб, қайтиб келган оила бошлиғи қарасаки, пуллар йўқ ёки чўғи жуда кам. Бунақа ҳолат ҳақида тез-тез эшитиб тураемиз. “Халқ банки” таклиф этаётган “Expat Home” ипотека кредити эса айна шундай ҳолатларнинг олдини олиши билан аҳамиятлидир.

Айтиб ўтганимиздек, кўчмас мулк ёки автомобиль харид қилиш учун хорижда ишлаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Аммо уларда ҳар доим ҳам имконият бўлмаслиги мумкин. Яъни, кимдир Ўзбекистонга келиб-қетишни илжойи йўқ. Яна кимдир эса етарлича маблаг йўқ. “Халқ банки” томонидан тақдим этилаётган “Expat Car” автокредити

Банкнинг барча филиалларида мамлакатимиз бўйлаб “UzPay” тизими орқали миллий валютадаги пул маблағларини жунатиш ва қабул қилиб олиш имконияти жорий этилди.

лари бунда жуда қўл келади. Бу орқали хорижда ишлаётган фуқароларимиз ўша ернинг ўзидан туриб кредитга машина сотиб олиши мумкин. Яъни, энди хорижда ишлаб, пул йиғиб, узоқ муддат кутишингиз шарт эмас. Ҳам ишингизни давом эттириш, машинали бўлиш имкониятига эгасиз.

Автомашина сотиб олиш учун кредит қуйдаги шартларда берилади: кредит муддати 36 ой, имтиёзли даври 1 ой ҳамда бошлангич тўлови умумий сумманинг 35 фоизини ташкил қилади.

### ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Ўзбекистоннинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига нақд пулни қандай юборишадди? Топдингиз. Албатта, таниш ёки нотаниш кирақашлар орқали “почта” қилинадди! Аммо бу ҳар доим ҳам ишончли ва тўғри қарор эмас. Жўнатилган пул “қачон етиб бораркан?”, деган хавотирларга “Халқ банки”нинг

“UzPay” тизими чек қўядиган бўлди. Чунки банкнинг барча филиалларида мамлакатимиз бўйлаб “UzPay” тизими орқали миллий валютадаги пул маблағларини жунатиш ва қабул қилиб олиш имконияти жорий этилди. Ушбу тизим орқали Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан иккинчи жойга пул юборишингиз мумкин. Пул ўтказмасининг энг кам миқдори 10 минг сўм, энг юқори қиймати белгиланмаган.

### Тизимнинг қулайлиги нимада?

Биринчидан, ишончли. Ўртада пуллар йўқолиб қолмайди. Турли хавотирлар ўринсиз. Иккинчидан, тезкорлик. Яъни, қардан юборсангиз, бир зумда олувчига етиб боради. Ушбу ўтказма нақд ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Барча ўтказмалар учун 1 фоиз хизмат ҳақи олинади. Мижоз ушбу ўтказма орқали банкнинг исталган филиалидан маблағларни жунатиши ҳамда исталган филиалидан олиши мумкин.

### Банкоматдан картани тўлдириш.

Одатда, пластик картадан нақд пул ечиб оламиз. Лекин сизда орттиқча нақд пул бор. Уни аксинча пластик картага ўтказиб қўймоқчисиз? Ҳўш, шунда нима қиласиз? Бирор бир банкка бора-сизми ёки бошқа йўли борми?

Қисқаси, қўлингиздаги нақд пулнинг пластик картада бўлишини хоҳлаясизми, бунинг ҳам имконияти бор. “Халқ банки”нинг “Cash-in” банкоматлари орқали “Халқ банки” карта ҳисобрақамини тўлдиришингиз мумкин. Бунинг учун картани “Cash-in” банкоматига жойлаб, “картани тўлдириш” тугмаси босиб, картага кириш қилишни керак бўлган суммани банкоматга киритсангиз кифоя. Бир зумда истагингиз ижобат бўлади.

Қисқаси, бугун “Халқ банки” мана шундай оддий, лекин замонавий ва талабгир хизматлари билан халқ орасига чўқур кириб борапти. Бу давр талаби. Чунки ҳозир рақобат даври. Мижозлар ва одамлар эҳтиёжи билан ҳисоблашиб фаолият юритиш эса рақобатда ютиб чиқишининг энг устувор вазифасидир.

Юнус БҮРОНОВ,  
Банк Ахборот хизмати раҳбари

Хизматлар лицензияланган.